

Янги асрга, янги минг йилликка кадам кўйдик, дея бир-биrimizni кутладик. Бирок янгилик нимадан иборат эканлиги устида хеч бош котирдикми?

Техника даврига, компьютер замонига, ахборот хукмронлиги бошланган паллага кириб келдик, дея севиндик. Лекин бунинг моҳияти тўгрисида дўппини олиб кўйиб хеч ўйлаб кўрдикми?

Албатта, бугунги "биз" 10-15 йил бурунги "биз"дан анча малакали, анча илгор, анча имкондор кўринади. Чунки айнан сўнгги 10-15 йиллик муддат ичидан бизнинг дунёмизда тубдан янгиланиш юз бердида. Буларнинг хаммаси яхши. Аммо теран нигоҳ билан разм солинса, ана шу ўсиш-тараккий этиш багрида битта улкан муаммо хам тугилиб улгурибди: ахборот асрининг бўйини олган биз, яъни янгилangan "биз" билан илм, хусусан, филология илми ўртасидаги муносабатнинг бугунги ахволи кўнгилга таскин бера оладими?.. Бу саволга жавоб бериш учун узокка боришнинг, тиришиб бош котиришнинг хожати йўқ. Балки бор-йўги хар бир олим кейинги йиллар мо-байнидаги ўз илмий фаолиятига сархисоб назарини ташласа бас, хаммаси аён бўлади-колади. Аён бўлган натижা шундан иборатки, техника канчалик тараккий этмасин, ахборот канчалик тез таркалмасин, бани башар имконла-ри канчалик ошмасин, барибир, нимадир, кандайдир кўринмас бир сабаб уни теран, фундаментал илм билан шугулланишига монелик килаётгандек. Эҳтимол, юкори-да саналган омиллар сабаб бўлаётгандир буларнинг хаммасига. Эҳтимол, яна кўпдан-кўп сабабларни калаштириб ташлаш мумкиндири... Бирок бош сабаб барибир бошка -каттарок, кўламлирок, теранрокдир: цивилизация суръати натижасида бугун дунёда шундай умумкайфият вужудга келди, инсон рухияти тарбиясига ортиқ етарли даражада эътибор килинмаётир!.. Жумладан адабиёт, аввало, инсон рухиятини, рух кайфиятини инъикос эттиувчи соҳа бўлганидан уни ўрганувчи, тадқик этувчи илм филология соҳасининг даражаси хам жамиятнинг адабиётга бўлган эътибори нисбатида белгиланади. Бу хол дунёning хамма жойида шундай. Чунки жамиятнинг асо-сий кисми хамиша оммадан иборат. Омма хар доим дагал дунё сари - кўл билан ушласа, бурун билан хидласа, бадан билан сезса, тил билан таъмини туйса бўладиган фойдали дунё сари ошикади. Унда даврани кенгрок олиб, орка-олдини чукур мушоҳада килишга сабр-токат етишмайди. Унинг "буғун"и факат буғундан иборат, факат хозири устида бош котиради... Оммадан фарқ килиб эса шахс латиф олам хакида - шу борликни яратиб, ўзи яшириниб юргувчи Рух хакида хам кайгуриб ўйлайди. Шахснинг буғуни шундай "буғун"ки, унда хам "кеча", хам "эрта" мужассам. Шахс оммадан фаркланиб, инсоният хаётининг доимо баркарор, инсонлик шаънига муносиб бўлиши учун ўз шахсий манфаатидан кечиши мумкин. Бас, шунинг учун хам хамма замонларда маънавиятниклар улкан одамлари - буғун шахсларнинг бирдан-бир кучи уларнинг аклу дониши, илму тафаккури билан чегараланган. Кўпчилик-ни у ёки бу йўлга солиб ўборадиган кудрат - маблаг ва хокимият уларнинг кўлларида деярли бўлмаган.

Гоҳо зиёли катлам вакиллари билан илм ва адабиётнинг буғун ва эртаси тўгрисида сухбатлашиб колганинг-да, аксарият холларда уларнинг ўз илмий ё бадиий ижодларидан коникмаётганинг гувоҳ бўласан, киши. Ва яна шу нарса маълум бўладики, олим ё ижодкор сабабни ўзи-дан эмас, ташкаридан - кейинги йилларда юз берган ўзгаришлардан излай бошлайди. Бу хам албатта, бир хисобда тўгридир:

алохіда-алохіда олганда, адабиёт ё филологик илм маҳсулиниң кам яратилиши якка бир ижодкор ё олимнинг айби бўлмаганидек, уларни оз ўқилишида хам алохіда бир ўкувчининг "гунохи" йўк. Хамма ran умумкайфият, умумрух тугиб бераётган дунёниң авзойида. Шоир айтмолчи, "чархнинг авзойи бу дам аввалгиларга ўҳшамас". Бирок чархнинг аввалгиларга ўҳшамайдиган бугунги клифияти каёқдан келяпти экан? Хар холда осмондан тушаётгани йўқдир... Албатта, йўк. У инсон табиатининг муайян ижтимоий-сиёсий, маънавий-психологик, иктисодий ва тарихий холатда намоён бўлаётган бир кирраси. Ха-ха, айнан шундай. "Замон, замон", деймиз. Вирой нарса ходиса таъбимизга сал ёкмаса бас, айбни дар-хол замонга юклаб кутулмокчи бўламиз. "Хўш, замон каёқдан келди, у нима ўзи?" дея токат билан мушоҳадага берилишга эса лаёкат тополмаймиз. Лаёкат топганимиз-да-чи, "замон" ўз багрини бизларга оча бошлайди: хар кандай замон, давр жамиятнинг у ёки бу кўринишдаги кайфияти маҳсулидир. Хамма "гап"ни замонга юклаб, сувдан курук чикмокчи бўлаётган сиз билан биз шу бир бутун жамиятнинг парчаларимиз. Агар замоннинг нуксони бўлса, билишимиз мухимки, бу кусур бани одам табиатининг кайси бир нуктасидаги ожизлигидан бошка нарса эмас. Ха, дунёда неки содир бўлаётган экан - хоҳ ижобий бўлсин, хоҳ салбий, - хамма-хаммаси инсон табиатининг товланишларидир. Бирок бундан "такдирга тан бериб, кўл ковуштириб ўтириш керак экан-да" деган маъно келиб чикмаслиги лозим. Олимнинг, ижодкорнинг иши шундан иборат бўлмоги зарурки, замон ва зиёли муносабатлари мохиятини аввало ўзи тўғри илгаб, англаб, сўнг ўз фаолиятида уларни хакконий акс эттириб, ўзгаларга, айникса, оммага ютиришга интилмоги шарт. Натижа кандай бўлишидан катъи назар у шундай йўл тутишга мажбур. Бугун дунёни техника ва ахборот шовкини тутиб, оддий инсон шу шовкин гирдобига гарк бўлаётган бир пайтда чинакам шахс макомига кўтарилган олиму ижодкор ўз вазифасини жуда хам теран англамоги, одамзодни ўзи яратган роботлар кулига айланиб колишидан халос этмоги мухимлигини бир зум бўлсин эътибордан кочирмаслиги даркор.

Ха, дунё кенг ва унда турли-туман, бир-биридан фаркли-фарксиз, кўпдан-кўп жамиятлар мавжуд. Бирок уларнинг хаммасини бирлаштириб тургувчи бир умумийликдан кўз юмиб бўлмайди: улар ўз багридан истар-истамай, билиб-бilmай руҳий иклимини сикиб чикармокда. (Модернизмнинг келиб чикиш сабабларидан бири айнан шу ерда!) Келинг, бир мушоҳада килиб кўрайлик: хозирда

бутун дунёдаги расмий-конуний таълим-тарбия масканлари - богча, мактаб, колледж, лицей, институт, университетларда олиб борилаётган машгулотларнинг канчаси инсоннинг руҳий-маънавий тарбиясига каратилгану, канчаси ундан йирок?.. Бу ракамлар тафовути асрдан-асрга, даврдан-даврга, авлоддан-авлодга ўзгариб-йириклишиб бормаяптими?.. Антик дунёда - Юнонистон, Миср, Хитой, Хиндистонда кандай эдию, ўрта асрларда Марказий Осиёда кандай бўлди? Ундан кейинги катор асрларда, нихоят, бугун, бугун-чи?..

Солишириш натижасидаги фарк каердан келаяпти? Нахотки, одамзод ўз руҳий илдизига каратилган эътиборни тобора сусайтириб, биологик ва ижтимоий асоси атрофида ўралашиб колаётир? Фрейдизм ва Марксизмнинг бош кусурлари айнан шу ўриндаги бирёкламаликда эмасмиди?.. Мадом шундай экан, нега яна инсон ўгли ўз та-рихи ўгитларидан сабок ололмаётир?.. Бу кетишда инсоният эртаси нима бўлади, якин ва олис келажакни, масалан, сиз кандай тасаввур киласиз?..

Назаримда нафакат оддий одамларнинг, балки кўпчи-лик олимларнинг хам бу борадаги

тасаввурлари жуда камбагал Чунки биз техника асрининг, ахборот даврининг шовкинидан узилиб, ўз холимизни ташкаридан кузатишга имкон тополмай, аксинча, цивилизациянинг ховликиб ташлаётган одимлари ортидан етиб юришга ошикиб чопиб бораёттирмиз. Хамма бало шундаки, бизни каёкка кетаётганимиз эмас, балки кандай кетаётганимиз, кўпчиликдан ортда колиб кетмаслик кайгуси банд этган...

Кўриниб турганидек, XXI аср вазияти жудаям жиддий. Бирок, бу жиддият масала мохиятига чукур кириб борилгандагина аёнлашади. Йўкса, ёпикли козондек ичидагини яшириб тураверади. Ўйлашимча, ўзини, ўз илмини хур-мат килган хар кандай олим айни ма салага етарлича зътибор килмоги шарт. Айникса, биз - ижтимоий фанлар вакиллари ўз гарданимиздаги юк залворини теранрок хис килмогимиз керак бўлади. Жумладан, биз -филологлар хам. Чунки филолог инсон рухияти товланишларини акс эттирувчи предмет - адабиётни, "инсонни хайвондан жудо килгувчи" тилни (кўнгилни) ўрганамиз, тадқик этамиз. Назаримда шундай пайт келадики, энди бир-бирига ўхшаган сийка ва саёз мавзули илмий ишлардан воз кечиб нигохимизни илдамрокка каратмогимиз, ўтмиш бугун ва эртани чукур англашга ёрдам берадиган хамда келажакка дахлдор фойдали хулосаларга олиб борадиган йўналишларда илмий фаолият юритмогимиз зарур.

"Янгиланиш эҳтиёжи" китобидан